



Бадий матн ва таҳлил муаммолари



Шоирлик аслида шеърни шеърятга алокаси йўқ нарсалардан тозалай билишдир. Чунки шеърнинг гўзаллиги, авва-ло, ана шу мусаффоликда акс этади. Шеърдаги софлик-туйғу ва тушунчадаги софлик демак. Шеър билан шеърхон орасидаги давомли ички алока шундан бошланади. Тўғри, бевосита матнга диққатни қаратиш, уни тадқиқ ва таҳлил қилиш адабиётнинг барча муҳим жиҳати, ўзига хос ҳолатларини ёритишга тўла-тўқис имкон беролмайди. Аммо у адабиёт илмини умумий, бир ёклама, гоҳо фаросатсизларча тўқилган фикр-мулоҳазалардан ҳимоялаши шак-шубҳасиз. Зеро, ҳақиқий адабиёт - санъаткорлик завқи ила яратилган асардан бошқа бир нарса эмас. Унинг билан

тўғридан-тўғри муносабат ўрнатишгина шахсий таассурот ва тасаввурни юзага келтиради. Бирок ҳеч қандай адабий матн, муайян бир усул, тушунча ва ҳақиқатга таянилиб ўқилмагунча, ўз-ўзидан туйғу ва фикр уйғотолмайди.

Мукамал асар матнини табиатга киёслаш мумкин. У ҳам ўзига хусусий саволлар билан мурожаат қилинганда, фақат ва фақат ана шундай ҳолатда ўқувчига сир-асрорини кенг очади. Шунда матн таҳлили аталмиш усулнинг афзалликлари, кўп нарсани юза ва чала билишдан ниҳоятда фойдали экани ҳам равшанлашади. Бундан ташқари, энг гўзал, энг оригинал адабиёт намуналарини ўжарлик ва ўзбошимчалик чангалидан кутказишнинг бир чораси ҳам матн таҳлилдир. Тарихий-киёсий ё биографик методда бажарилган илмий ишларнинг афзалликларини кадрлаш, яхши жиҳатларини, албатта, ривожлантириш керак. Курук инкорчилик, ёкимсиз бир чечанлик билан илмда ҳеч нимага эришиб бўлмайди. Шу билан бирга, илм-фанда очиклик, янги изланишлар зарурлигига бепарво қолмаслик жоиз. Бизда поэтик матн тадқиқи дейилганда, асосан, гоё ва мазмундан баҳс юритиш, вазн, қофия, бадиий санъатлар хусусида сўзлаш тушунилади. Ростига гап, бу бир қадар жўн қаноат ва қолиплаган тажриба. Қолбуқи, қинакам таҳлил ва талқин матнда мавжуд ҳамма нарсани, ҳаттоқи, ҳарф товушлари, оҳанг, ранг товланишларини ҳам маънолаштириш, муаллифнинг шахсий ҳолат, қайфият, руҳоний сезимлари билан алоқадорликда ёритишни талаб қилади. Аҳир, давр руҳи, замон нақаси, жамият дарди ҳам дастлаб ижодқор шахсига таъсирини ўтқазиб, ундан сўнг асарларига кўчади. Шарқлик буюқ шоир ва адиб борқи, деярли ҳаммаси ўзининг нақс ва характериға бир санъат асари янглиг сайқал бериб, уни бутун шахсият қолиға кўтарган. Мутасаввиғ санъатқорлар учун бундай шахсият орзуқи инсоннинг бақарий иродасини илохий ирода мақомиға юқсалтириб, уларни ўзаро бирлаштира олишдир. Бундан инсон ҳеч нима ютқазмайди ва ҳеч қанақа зиён ҳам қўрмайди. Ақсинча, вужудидақи қучсизлик, қирқинлик ва ёвузликлардан бир йўла қутулади. Ажабланарли жойи шундақи, қанузғача бизда қенгрок ўйлаб ҳам қўрилмаган бу мураккаб муаммо, Қарб шарқшунослиғида ўтган асрнинг биринқи ярмидаёқ ўрганила бошланган. Дикқатға молик иш сифатида улқан инглиз олими ва румийшуноқи Рональд Никольсоннинг "Тасаввуғда илохий шахсият тушунчаси" номли тадқиқотини эслатиш мақсадға мувофиқдир. Ушбу асар ҳақиқатда қатта меҳнат ва билимдонлик билан ёзилган. Унинг Мансур Қаллоғ, Имом Қаззолий ва Қалолиддин Румийға бағишланган фасллари қишида кўп мулоҳаза, мушоҳада уйғотади. Аммо араб алломаси, Никольсоннинг содиқ шогирди Абул Аъло Афиғий устозининг қитобларидан бириға ёзган мазмундор сўзбошисида ўша тадқиқотнинг асосий қамчилиғи тўғрисида, "Муаллиғ, бутун қуч-қувватини, қристиан илохийётидан олинган шахсият тушунчасини умумлаштириш ва унинг муқобилини тасаввуғдан топишға сарғ қилган. Қолбуқи, қристиан нуқтаи назари билан, ислом нуқтаи назари ўртасида жуда қатта фарқ бор", дейди. Айнан шу фарқ билан ҳисоблашмагани туғайли Алишер Навоий лирик қаҳрамонлари дўнёқараш ва шахсияти ёритилган айрим тадқиқотларда шеърий матндақи асл мохийят ва ҳақиқатға ҳеч мувофиқ қелмайдиган фикр-қарашлар илғари сурилган. Бунинг бош сабаби эса матннинг гоёвий-бадиий тарқибини тўғри ва теран мушоҳада этмасдан рус адабиётшунослиғидақи илмий-назарий тушунча ва ҳулосаларни унға татбиқ қилинганлиғидир. Бунақа тажриба эҳтимол ўша замонларда зарур бўлғандир. Қозир эса

унга ҳеч зарурият йўқ. Шахс ва шахсият комиллигини Навоий қандай англаб, қанақа микёсларда талкин қилган бўлса, илмда худди шундай тарзда кўрсатиш лозим, вассалом. Модомики, гап шахсият ҳақида экан, ижодий шахсиятга дахлдор бир ҳақиқатга ҳам тўхталиб ўтиш ортикчалик қилмайди. Чунки, хусусий услубга эга бўлиш - бу хусусий бир шахсиятга эга бўлиш демак. Масалага кенгрок ёндашилса, ижодий шахсиятни ёрқин намоён қиладиган аломат, туйғу ва тушунча эмас, балки услубдир, деган ҳулосага келинади. Ижодкор мавзу, завқ, гоҳо ҳаёлларнинг маълум бир қисмини бошқалардан олмоғи мумкин. Бу унинг улуглигига асло монелик этмайди. Улкан санъаткорлар кўп мавзуларни ўзгалардан ўзлаштиргани адабиёттарихидан яхши аён. Ҳамма гап, у ёки бу гоёни қандай шаклда англантиш, қандок ҳарорат ва мохирлик ила тасвирлаш, яъни услубдир. Шунинг учун ижодиётида қатор ўхшашликлар мавжудлигига қарамасдан, Алишер Навоийнинг бунёқ ва қудратли шахсияти, услуби барча салафлари, замондош қаламкашлардан ажралиб туради. Унинг рухий ҳаёти, шеърни руҳнинг тили, мусикаси холига етказиш маҳорати бутунлай ўзгача. Навоий шеърлари таҳлилида шуларни ёритишга уриниш зарур. Афсуски, кўпинча, бунга яқин ҳам борилмайди. Сабаб нима? Сабаб кўп. Биз улардан фақат айримларига эътиборни қаратмоқчимиз.

Мавлоно Жалолиддин Румийга кўра, "тадқиқ" бир ноқисликнинг тазаҳхури саналади. Шу боисдан гўзаллик текширилмайди, қуруқ ва совуқ бир мантиқ билан чайналмайди, балки қашф этилади. Бу алоҳида диққатга лойиқ фикр.

Гарб психологлари "эстетик туйғу" деб номлаган туйғуни Шарқ шоирлари одамнинг ўзида бўлмаган ёки унинг табиатига бегона гўзаллик туйғусини йўқдан бор қилиш эмас, аксинча, инсонда мавжуд гўзаллик ҳиссиётини уйғотиш, онг ва идрок остидаги латифликларни ҳаракатлантириш деб билишган ва ёзилган ҳар бир асар шунга мўлжалланган. Демак, ҳулоса аниқ: инсон мохиятда гўзаллик туйғусига молик бўлмаса, санъат асари қаршида у ҳеч қим. Адабиёт ва дин, фалсафа ва бади-ий ижод, санъаткорлик ва тарихнавислик алоқаларини беҳато фарқлашга ҳатто илм ҳам унга қўмақ беролмайди. Муқаммал бадиий матн йўқ жойда - адабиёт йўқ. Адабиёт ва санъаткорлик йўқми, демак у бошқа бир нарса. Уни ўз номи билан аташ, ўз характер хусусиятларига мувофиқ усулларда тадқиқ қилиш керак. Жуда кўп соҳа вақиллари хусусий мақсадлари йўлида адабиётдан фойдаланишга уринишган. Жумладан, дин ва тасаввуф арбоблари ҳам. Вазн ва қофиядан бўлак шеърятга асло алоқаси бўлмаган диний-тасаввуфий асарлар бадиий матн мезонлари бўйича баҳоланмаса, мумтоз адабиётимизни ҳас-хошокдан асраш яқин йилларда жуда қийинлашиб қолади. Чунки бир ҳато ҳеч қутилмаган ўзга бир ҳатога ҳамиша замин ҳозирлаб, йўл очади. Биз истаимизми, истамаймизми, Шарқ адабиётида инсонни дунёга таҳқир ва нафрат кўзи билан қарашга қорлаган, банданинг ожизу нотавонлигидан баҳс этиб, тафаккур ва ҳурлик шуурини сўндиришдан ором топган қаламкашлар бўлган. Диний бир бадбинлик ва маҳдудлик из-лари ўзбек адабиёти тарихида ҳам назарга ташланади. Бундан ташқари, ботинийлик тушунчалари суқулиб қирган тасаввуф тармоқлари ва фалсафий тасаввуф ошуфтаси бўлиб қолганлар ҳабибийлик, воқифийлик, авлиёийлик, холия, илҳомия қаби тариқатлар тарғиб этган мақсад ва ҳаракатлар инсон ахлоқи, маънавий мақсадларига нечоғлик мувофиқ қелишини, албатта, ўйлаб олишлари керак. Акс ҳолда бир найрангдан қутулиб гайриихтиёрий равишда бошқасига тутилиш ҳеч гапмас.

Шўро давлатининг қитмирлик ўйинларидан бири - Шарқ мумтоз адабиёти, санъати ва мусикаси маъно-мохиятини тарихий руҳи ва нафасига мувофиқ тарзда англашга тўсик қўйгани эди. Шу маънода иккита мисол келтирмоқчимиз. Дунёвий адабиёт деган тушунча

Ўзбек адабиётшунослигига қандай ва нима мақсадда олиб кирилган, деган саволга, бизнингча, бугун ҳеч қим аниқ жавоб беролмас керак. Дунёвий адабиёт тушунчаси ҳам, атамаси ҳам дастлаб олмонлар орасида пайдо бўлиб, кейин бошқа гарб ўлкаларига тарқалган. Дунёвий адабиёт, завқ ва хузур манбаи бўлмиш моддий ва зохирий оламни идеаллаштириб, ҳаётнингдин билан, илоҳиёт билан алоқасини бутунлай узиш гоёсини илгари сурган. Шу нуқтаи назардан қаралганда, дунёвий адабиёт дегани - бу мумтоз шоирларимизнинг моддий дунёга муносабати. Ундан тугилган қалб ҳақиқатлари ва энгъэтиборли ирфоний, ишқий хиссиётларини инкор этиш дегани. Модомики, шундай экан, Навоий газалиёти билан туркий тилда қалам тебратган устозлари шеърятини гоёвий-бадий вобасталиқда тўғри талқин қилиш мумкинми? Бунинг иложи йўқ. Шунинг учун илоҳий ишқ завқи ва ҳолатлари тасвирланган газаллар таҳлили ҳатолар билан тўлиб-тошгандир. Аммо адолат юзасидан баҳоланадиган бўлса, бошқа жойлардаги аҳвол янада ёмон. Масалан, тасаввуфий маслак ва илоҳий ишқ сирларини ёритишга уринган бир китоб муаллифи Жон Белдек: "Илоҳий ишқ мавзусидаги шеърларни ҳато англаш ва нотўғри шарҳлаш юз йиллардан буён давом этиб келади. Ҳозирги кунда ҳам аҳвол аввалгидан фарқланган эмас", - дейди. Бу гапга ишонмок лозим. Алишер Навоийда шундай бир байт бор:

Фигонки, ишқ ҳадиси дақиқ эрур андоқ
Ки, қосир ўлмиш ани англамоқдин идроким.

Кўнгли муҳаббат оташида ловиллаб ёнган Навоийки, ишқ асрорини англашда қосирликни тан олган экан, ишқнинг туб моҳиятини ёритиб берувчи ҳол илмини четлаб, нима учун биз ҳаёлга келган гапларни ёзаверишимиз керак? Мустақиллик даври навоийшунослиги ўзини-ўзи муҳофаза қиладиган даражада билим, ўзини-ўзи ҳато ва қамчиликлардан қутқазадиган савияда ўткир дид ва мушоҳадага эришмоғи шартдир. Бу қуруқ даъват эмас, албатта.

Йигирманчи аср бошларида мумтоз шеърят олтин тахтидан қулатилгач, асрий ҳақ-ҳуқуқини ҳам у бой берган эди.

Унга қандай муносабатда бўлишни эса сиёсат белгилаб бергани ҳеч қимга сир эмас. Партиявийлик, синфийлик, дунёвийлик қаби - гоёлар шундан яралган. Даҳрийлик маслаги адабиётни дин ва тасаввуфдан йироқлаштирувчи хоҳлаган фикр-мулоҳазани айтишга изн берган. Бугун бизда мафкуравий кўрқув ёки тазйик йўқ. Классик адабий меросимизни энди шошилмасдан, эркин, теран ўрганишга йўл очилган. Лекин имконият ва имтиёзлардан тўла-тўқис фойдаланиш учун гоҳ талант ва илм чуқурлиги, гоҳ қилаётган ишимизга танқидий қараш етишмаётганга ўхшайди. Ваҳоланки, Навоийнинг биргина байтини ҳар жихатдан ўрганиб, зохирий ва ботиний маъноларини, санъатини қойиллатиб талқин этиш, ўнлаб газалларга битилган саёз таҳлиллардан афзалдир. Машҳур француз адиби ва мунаққиди Поль Валерининг эътирофи бўйича: "бадий матннинг қиймати, ҳар шахсга кўра алоҳида бир тафсирга имкон бера олишидадир". Дарҳақиқат, асосан, шахсий бир фаолият ва ифода тарзининг ҳосили бўлган адабий асар ҳар бир ўқувчига айри-айри таъсир ўтказиши табиий. Айни бир матннинг ўзга муҳитда, ўзгача бир усулларда амалга оширилган талқинлари, айтайлик, бизникидан фарқланмайди деёлмаймиз. Аммо бир ҳақиқат аниқ: шеърда туйғу ва маъно фақат тил, шакл ва услуб орқали таъсирли бир мақомга келтирилади. Шу боисдан таҳлилда биринчи галда тил руҳи ва сўз ҳаётига диққат-этибор доимо ўзини оқлайди. Оқлагани шуки,

рамз, мажоз, тимсоллар ҳам тил измидан четга чикиб кетолмайди. Донишманд Хоразмий: "Зохиру ботин хабари сўздадир", - мдеганда тўла ҳақ эди. Тасаввуф ва тасаввуф шеърлятидаги ўзига ҳос янгиликлар ҳам, аввало, тил кўмагида жорий қилинган. Хуллас, тасаввуф тарих майдонида кад ростлаб, ўз тилини шакллантиргач, юзлаб истилоҳ ва калималар катори гам, алам, гариб, гурбат, васл, хижрон, дард, бало, сир каби кўпдан-кўп сўзлар ҳам олдингисидан тамоман бошқа мақсад ва маъноларда ишлатилган. Навоийда шундай газаллар ва:

Кўнгул ичра гам камлиги асру гамдур,
Алам йўқлуги даги каттик аламдир, -

каби юзлаб байтлар борки, уларнинг тўғри таҳлил ва талқини учун ҳатто тасаввуф лугатлари ҳам ёрдам беролмайди. Бошқа чора, бошқа йўл топишни Навоийнинг ўзи кўрсатади. Биз эса Навоийнинг ўзига каттик суяниб Навоий шеърлярини талқин қилишга ҳамиша ҳам амал этолмаймиз.

Алишер Навоий асарлярини ҳаққоний тарзда тадқиқ этиш, ҳатто камчиликлардан сакланишнинг асосляридан яна бири, албатта, тарих, айниқса, Навоий даври тарихидир. Улуг шоирнинг турли шаклдаги шеърляри, насрий асарлярида тарихий воқеалар, кундалиқ ҳаёт ходисалари, у ёки бу ижтимоий тоифага мансуб шахслар ҳақида ҳам етарлича баҳс юритилган. Булар ўшанда замонавий маъно касб этган бўлса, секин-аста тарихий қийматни акс эттирган ва шеърдан - тарихга ёки тарихдан - шеърга бир йўл излаш эҳтиёжини юзага келтирган. Албатта, Навоий асарлярида ифодаланган тарихий ҳақиқатларнинг ҳаммасини тўғри аниқлаб, ана ундан кейин матн талқини ва таҳлилига киришиш жуда қийин. Лекин имкон даражасида бунга интильмаслик қандай асоссиз, ҳаёлий фикр-мулоҳазаларга бошлашни ҳам унутмаслик керак. Шу маънода характерли бир масалага тўхталсак. Маълумки, соқийнома аталмиш жанр Шарқ шеърлятида, хусусан, форс-тожик поэзиясида шухрат топган. Шу боисдан соқийноманинг шаклланиш ва тараккиёт тарихи Эронда, Тожикистонда маҳсус ўрганилиб, мақола ва китоблар чиқарилган. Навоийгача бирорта ҳам ўзбек шоири бу жанрда асар ёзмаганлиги илмда қайд этилган. Навоий ҳам бор-йўғи битта соқийнома яратган. Аммо бадий ижодда сон эмас, сифат, мисра ва кофия тизими эмас, балки моҳият ва маҳорат аҳамиятга эғалигини Навоийнинг соқийномаси тўла тасдиқлайди. Қарийб беш юз байтдан иборат бу асар "Ҳазойин ул-маоний"нинг сўнгги девони - "Фавойид ул-кибар"га киритилган. Бир неча навоийшуносляримиз уни ўрганиб, ўз хулосаларини ҳам билдирганлар.

Илм аҳли орасида, соқийнома ёзишдан асосий мақсад - бу фоний дунёдан кетган энг яқин кишиларни хотирлаш, гам-андухни унутиб, вақтни ганимат билиб, умрни ардоқлашга чорлашдир, деган қараш анча барқарорлашган. Хориждаги айрим шарқшунослар, жумладан, Е.Э.Бертельснинг фикрляри ҳам шундай бўлган. Навоий соқийномаси ҳам бир ёднома - хотира талабидан тугилган ижод намунаси сифатида ўрганилган. Холбуки, уни ёзишда Навоийнинг илхомчиси хотира ва тахайюль эмас - ҳар кун аччиқ-чучугини тотган, шодлик ва қувончни шоирдан кизганиб, гаму гуссани фаровон айлаган ҳаётнинг айнан ўзи эди.

Тарихий маълумотларга кўра, 1485 йилда Султон Хусайн Бойқаронинг синглисига уйланган Олтин Ўрда хони Аҳмадхон (Кичик Муҳаммад)нинг ўғли Баҳодир Султон сингилляри би-лан Хиротга меҳмон бўлиб келади. Хусайн Бойқаро уларнинг шарафига "чингизийлар усулида" катта бир анжуман, яъни қурултой ташкил қилади. Шохона

зиёфат берилиб, кимиз ва май тортилади. Қадимий куй-кўшиқлар янграйди.
"Сокийнома"да Навоий бу ҳақда шундай деган:

Сокиё, май туту кўйгил сўзни,
Хон қурултойига еткур ўзни.
Соф май жом аро гар дилкашдур,
Тўстугон ичра кимиз ҳам хушдур.
Эй йиров, сен ҳам ишингни кўргуз,
Ётугон бирла улуг йирни туз...

Албатта, сокийнома ва унинг талкинига тегишли мулоҳазаларимизни атрофлича баён қилиш имкони йўқ ҳозир. Бирок унинг ёзилиш тарихи ва маъно-моҳиятини аниқ белгилашга хизмат этувчи яна бир фактни изоҳлаш зарурдир. Гап шундаки, Навоий ўзининг гўзал ва ғавқулодда таъсирли бу асарини Бойқаронинг жияни, яъни Баходир Султонга бағишлаб яратган эди. Ундаги мана бу сўзлар олис Дашти Кипчоқдан ташриф буюрган навқирон хонга қаратилгандир:

Шахга меҳмону, азизу дилбанд,
Ҳам қариндош, яна ҳам фарзанд.
Кўрки, сен ким сену қайдин келасен,
Қайси мулк ичрасену ким биласен.
Ҳеч шах топмади бир хон сендек,
Бу улус кўрмади меҳмон сендек.

Хулласи қалом, масала қўйиш, муаммо санаш унча қийин эмас. Уларни зўриқмай бажаришга қодир қуч ва имқоният бўлмаса - бу оғир.
Баъзан шеър таҳлили ва талқинини мураккаблаштиришга не ҳожат бор, деган савол аралаш эътирозлар эшитилиб қолади. Талқинни атайлаб мураккаблаштириш, таҳлилда ўтлаб кетиш, албатта, сунъийлик, албатта, бемаънилиқ. Бундай иш гоҳо ақл қосирлиги ёки қалб ҳасталигидан ҳам далолат беради. Лекин аслда таҳлилнинг мақбул ё номақбул эканига шеърнинг ҳам роли бор. Ҳар қандай тадқиқотчи яроксиз шеърни яхши ва фазилатли этиб кўрсатишга нечоғлиқ уринмасин, барибир ҳеч натижага эришмайди. Бунинг ақси бўлса-чи? Жаҳондаги бир қанча шеършуносларнинг эътирофлари бўйича, шеър қаида икки маъно қатламига эга бўлмоғи қерак. Бундан ташқари у оддий, дейлик газетадаги хабардан фарқланмоғи лозим. Таассуфки, биз газета хабаридан фарқланмайдиган шеърларни ўқийвериш, классикларимиз тажрибаларидаги қўп маънолилиқ сирларини очишга умуман уринмай қўйганмиз. Ваҳоланки, оғзаки тилга қараганда юқсак, охангдор ва сербўёқ бўлган шеър тили сўзларнинг асосий маъноларидан қўпроқ ён маъносига суяниши, шу тарзда қалима илқ мазмундан узокдаги бир маъно қийматига ҳам эриша олишини улар амалда қайта-қайта исботлаб кетишган. Маънонинг бешиги ҳам, эшиги ҳам илм-маърифат. Муҳаммад Фузулий туркий девонининг дебочасида: "Илмсиз шеър асоссиз девордир. Асоси йўқ девор беъэтибордир", - деб ёзган. Навоийнинг олимлигини шоирлигидан, шоирлигини мутафаккирлигидан, мутафаккирлигини буюқ ва бетимсол шахсиятидан ажратиш қўринг. Қўз ўнгиғизда тамоман бошқа шоир пайдо бўлади. Ҳазрат Навоийнинг ижод олами, хусусан, санъатхонасига эркин ва ишонч билан интилишнинг бош йўли ҳам илм,

ирфондир.

Иброхим Хаккумнинг
"Навойга кайтиш" китобидан